«МУНОЗАРА» ХАКИДА

«Усули жадида» мактабларни нафлиги ва фунуни замония тахсилининг бухорийлар учун лузуми тўгрисида фарангий афанди ила мударрис Бухорий жанобларини ораларида бўлган бахс ва сухбат — «Мунозара» исмида бир рисола шаклинда форсий тилга табъ ва нашр бўлубдур. Бизда кўздин кечурдукки, хакикатан бухорийлар учун нофеъдур.

Фарангий ва мударрис тилидан бу мухим бахслик рисолани тахрир этувчи вахми зоин[1]га арзи ташаккур киларман. Иншоолло, бу рисола бухорийларни уйгонмокига боис бўлуб, «Мунозара» мухарририни рахмат ила ёд этарлар.

Ва ал-он бу рисола турки тилинда жаноб муаллим хамшахримиз Хожи Муин афанди тарафидан таржима ва ушбу газит ила нашр бўлуб турубдур.

Ва аммо бизни фикримизча, Бухоро учун энг мухим бир бахсни фарангий афанди фаромуш этибдурлар. Ва ул энг мухим бахс бухорийларни русча ўкумок ва рус маданиятидин нафбардор бўлмокга таргиб этмокдин иборат эди.

Хайр, балки фарангий афанди фаромуш этмай, эхтимолки, бухорийларни таажжублари кўзголмасун ва «Мунозара» рисоласидин умид этилгон манфаати маънавийа фавт бўлмасун[2] тавхими-ла[3] русча ўкумок бахсидин кўз юмгандур, деб зан килармиз. Ва-ло фарангий афандини натижаи маълумотига назаран ўрисча ўкумокга тарафдордур, деб истидлол килинадур ва хар бир кўзи очук киши-да бухорийларни русча ўкумскларини, албатта лозим билур.

Бухорий кариндошларимизни русча ўкумоклари тўгрисида мухтасаран бироз ёзмокни биз мунда керак билдук ва умид киламизки, «Мунозара» ношири иккинчи табъина русча ўкумок лузумини хам рисолага олмок этдирса.

Русия давлати — 100 милйун халклик ва ер юзини кавий давлатларидин бири. Бухоро хукумати ани химоясига ва анинг учун бухорийларни русча ўкумоклари ўзлари учун лозим ва фоэъ[4]дир.

Бухорийларни савдо ишлари Русия иладурки, тижорат ишларини тараккий килдирмок учун, албатта, русчага эхтиёжи том[5]алари бордур.

Бухорода тилгироф, пўчта, темур йўли ва бонк ва мол, анжоманинг хамли[6] ва накли[7] ва оптек, дўктур ва хифзил сихата тейишли ишлар ва лавозимоти мадания ва замония ва хорижага мутааллик[8] барча мавод[9] кофа[10] руслар воситаси-ла жорий бўлурки, бул тўгрилардан русчага бухорийларни эхтиёжлари шадид[11]дур.

Русия ила тижорати бор хар бир бухорий ва Бухорони хар бир хукумат доираларини русчага бор эхтиёжини хар кимдан аввал бухорийларни ўзлари икрор эдарлар.

Киши йўклигидин ал-он Бухоро хукуматини хидматидаги таржимонлар кафказий ва туркистонийлардин иборатдур.

Бухорийларни русча ўкумоклари учун далил лозим бўлса, факат Русияни... жихатидин Бухорога хамсоялиги энг олий далилдур. Холбуки, Бухоро давлатимизни химоясида, яъни ховучиндадур.

Насора ва мажус давлатларини айтмай кўйдук. Бул вакт Усмонли ислом давлати катта мактабларига русча ўкутадур ва Русияга талаба юборадур. Турк кариндошларимизни хар бири Русия мусулмонларини русча ўкумокга ташвик этарлар. Хатто, Истанбул шайхулисломи хазратлари Русия мусулмонларини русча ўкумокга буюрадурлар.

Чунончи, ўтган сана Самарканд хожиларидан икки нафар мударрис шайхулислом жанобларини хизматларига мушарраф бўлуб эканларки, усули жадид ва русчани лузумидин баён этиб, Туркистонийларга русча ўкумокга ташвик этмокга буюрубдурлар.

Мисрдин, Шом ва Арабистондин, Истанбулдин ва Эрондин Русия мактабларига талаба келганда, Бухородин на учун талаба келмайдур? Буни сабаби бухорийларни гафлати ва замондин хабарсизлиги деюрлар.

Бул жойга бухорийлар у кадар кахолат этдиларки, хатто, расмий доираларида бирорта таржимонлари йўкдур.

Хўб, Бухорода усули жадидани кўймаганларидек, русчани-да уламо кўймадилар дедук. Эй, шогирдларни Самаркандда, Туркистонда ва ё дохилий Русияга на учун юборилмайдур?

Самаркандда Бухородин гадо, ўгри, кимори, жувон-бачча келар. Хатто, деюрларки, фохишалар хам келур, буларга уламо бир шай демас ва хабардор бўлмас.

Талабага тамоман монеъ бўлурлар. Йўк, бул жойга уламога ёпишмок керак эмас, балки бошкаларга лозумдур.

Бухорониг мухтарам хукмронларина, Бухоронинг тужжори киромига биз мин гайри хад[12] арз килармизки, русча ўкутмакни муборак фикрларига келтирсалар, Русия давлати Бухоронинг факат бир хамсояси эмас, балки хомийси, васий[13] ва мураббийи давлатидур. Анинг учун русча билмок ва рус олий ва катта мактабларига кирмок бухорийларни хаёти ва саодати учун алрамдур[14].

Икки милйўн бухорийлардин нисфи аср зарфида[15] бир нафар таржимон чикмаганлиги бухорийларни локайдликларига далил бўлур. Бу нимадан келур? Албатта, Бухоро ила Русия орасидаги муносабатни билмасликдин келур. Бинобарин, Русия ила Бухоро бейин[16]даги муносабати сиёсияни хар замон ахолига билдирмок керакдур. Биз сиёсий киши эмас ва илло бул тўгридаги фикримизни очик суратда ёзардук. Шу кадар биларманки, расман Бухоро хукмати Русия давлатини химоятигадур. Бухоронинг бош хукмрони маънан баолий амир хазратларини аморатлари Русия давлати тарафидин

тасдик килинадур. Бухорони хорижия ишлари Русия давлати тарафидин ижро килинадур.

Хорижия давлатлари, масалан, Эрон, Афгон ва ё Усмонли давлатлари-ла Бухоро хукуматини хат ва хабар килмоги лозим келса, Русия давлати воситаси-ла муомала киладур. Бухоро ахли хорижияга чикмокчи бўлса, Русия рахол[17] хукуматини рухсати лозимдур. Бу-хоро учун бож ва пўшлина Русия давлатини ихтиёри ила бўлур.

Билмок керакки, ўрусча ўкумок ила киши кофир бўлмайдур ва ё ўруслар бизга динларини таълим кил-майдур. Масалан, букун Самарканд мухталиф мактабларига юздин зиёд мусулмон боласи бор ва аларни хеч бирига насоро динини таълим килинмайдур. Самар-канд эъдодий гимнозиё мактабини букун ундин зиёда мусулмон боласи бор. У жум.ладин бири маним ўглим-дур. Ва на вактки, болаларга насоро динини таълим берарлар, гайри русларни, хох мусулмон ва ё яхуд ва хатто, армани бўлсун, мактабдин чикорадурлар. Хатто, насоро акидасини таълими вактида ёширин мактабда колган гайрирус шогирдга жазо бериладур.

Гайрируслар русча ўкугандан илми дунёвий ва хаёг-ка мутааллик фунун ўкуйдурлар ва хар бир мусулмон-да румча ва ё фарангча шуни ўкивдур.

Бухорони ўрта миллати учун авомча сўйлайинки, турклар, ибронийлар, туркистонийлар, козоний, ўрун-бургий ва кафкозийлар хамчунонки, русча ўкусалар хам кофир бўлмайдилар. Бухорийлар хам русча ўкуган ила кофир бўлмайдурлар.

Афгон хукумати ила инглис давлати орасида муносабати сиёсия мавжуд ва хам хамсоядур. Они учун афгонлар Хиндистон инглисига ва нуфуси Англияда ўз нафии учун талаба юборадур. Холбуки, хеч бир афгон инглис бўлган йўк. Инчунун, бухорийлар-да Туркистон устига ва ё Русияга ўз нафлари учун талаба юборсалар, хотиржам бўлсунларки, ўрус бўлмайдурлар. Шуни-да ёзайин, бухорий кариндошларимиз билсунларки, бу сўзларни биз мусулмонлигимиз учун ва Бухорони тараккийсини хохлаганимиз учун ёзармиз. Гумон килинмасунки, ўруслар бизга ёздирадур.

Фарангий жанобларини фикрига биз хам тобеъ ва биз хам деймизки, Истанбул, Миср, хатто, Кафкоз ва Козонга Бухородин талаба борсун ва аммо бу каторда русча ўкимок учун Туркистон ва Петербургга хам.

Самарканд дорулказо муфтийларидан Махмудхўжа бин Бехбудхўжа[18].

«Туркистон вилоятининг газети», 1911 йил, 29 сентябр, 73-сон.

[1] Гўзал тахайюл эгаси.

[2] Нобуд бўлмасин.

[3] Вахимаси билан.

[4] Нафлик.

[5] Тўла.

[6] Юки.

[7] Ташиш.

[8] Алокадор.

[9] Моддалар.

[10] Барчаси.

[11] Катта, шиддатли.

[12] Хаддан ташкари.

[13] Тарбиячи.

[14] Айб маъносида.

[15] Хозирги шароитда.

[16] Орасидаги.

[17] Йўл ишлари.

[18] Бехбудийнинг мазкур маколаси Фитратнинг «Мунозара» асари» Хожи Муин томонидан ўзбекчага таржима килиниб, «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилиши муносабати билан ёзилган.